

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ КАМОЛИДДИН ЭЛЬБОБО ЎҒЛИ

**НУТҚ БҮЙРУҚЛАРИНИ ТАНИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА АППАРАТ-
ДАСТУРИЙ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурний таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Шукуров Камолиддин Эльбобо ўғли Нутқ буйруқларини таниш алгоритмлари ва аппарат-дастурий платформасини ишлаб чиқиши.....

3

**ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗДНЕЕ
обозначенного здесь срока**

ГФОРМЫ 21

m for speech 39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ


ШУКУРОВ КАМОЛИДДИН ЭЛЬБОБО ЎҒЛИ

**НУТҚ БҮЙРУҚЛАРИНИ ТАНИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА АППАРАТ-
ДАСТУРИЙ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуулари ва компьютер
тармокларининг математик ва дастурий таъминоти**

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021



Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/T902 ракам билан рўйхатга олингган.

Диссертация Тошкент ахборот технологияларни университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот-тавълим порталида (www.ziyonet.uz) хойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Мусаев Мухаммаджон Махмудович
техника фанлари доктори, профессор**

Расмий оппонентлар:

**Назирова Элмира Шодмоновна
техника фанлари доктори, доцент**

**Авазов Юсуф Шодиевич
PhD, доцент**

Етакчи ташқислот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 раками Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» да соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-үй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида таниниш мумкин (____ ракам билан рўйхатга олингган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-үй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» (2021 йил «_____» даги ____ раками реестр баённомаси).

Р.Х.Хамдамов
**Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, техника фанлар
доктори, профессор**

Ф.М.Нуралинев
**Илмий даражалар берувчи илмий -
кенгаш илмий котиби, техника фанлар
доктори, доцент**

М.А.Рахматулаев
**Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, техника фанлар
доктори, профессор**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон ва ускуна ўзаро алоқаларини ташкил этишда компютерларнинг ўрни жуда муҳим хисобланади. Инсон ва ускунанинг ўзаро алоқасини ташкил этишининг энг самарали воситаси бу нутқ хисобланади. Ҳозирги кунда инсон-машина интерфейсини амалга оширишни турли усул ва воситалари мавжуд бўлиб, энг самарали воситаларидан биро бу нутқ хисобланаб келмоқда. Нутқ буйруклари орқали бошқарув турли соҳаларда, дастгоҳ ва ускуналарни овоз орқали бошқариш, кўнгирок марказларида овозли ассистент, «акили уй» ва «ашёлар интернети»да(IoT), овоз орқали шахсини аниклаш, имконияти чекланган инсонлар учун овозли бошқарув интерфейси ва бошқа соҳаларда кенг кўлланилиши мумкин. Бунда нутқ сигналларига ишлов бериш мураккаб таниб олиш алгоритмларини ўз ичига олади. Ушбу соҳада АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция, Италия ва Россия Федерацияси каби дунёнинг етакчи мамлакатларида кенг камровли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда бундай инсон-машина интерфейсларини амалга ошириш учун маҳсус аппарат-дастурий платформалар ишлаб чиқиши талаб этади. Лекин нутқга ишлов бериш алгоритмларининг мураккаблиги ва нутқ буйруклари сонининг ошиши билан аппарат-дастурий платформанинг хисоблаш ресурслари хотира хажмининг кескин ошишига олиб келади. Бундан ташқари аксарият инсон-машина интерфейслари реал вақт режимида ишлайди. Турли муҳитларда нутқ буйрукларини танишда нутқ сигналларига ташки шовкин ва ҳалақитлар таъсир этади. Реал вақт режими эса ўз навбатида тезкорлик, ихчамлик ва фойдаланишга қулаг бўлишикни талаб этади. Нутқ сигналларига ишлов бериш учун белгиланган хисоблаш ресурслари ва ишлов бериш тезлиги талаблари маҳсус алгоритмлар ва аппарат-дастурий ечимлар ёрдамида таъминланиши мумкин.

Республикамизда ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳаларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли, нутқ сигналларига интеллектуал ишлов бериш, ўзбек тили нутқ сўзларини автоматик таниб олиш, овозли биометрия, овозли бошқарув тизимларини яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур масалаларни амалга ошириш, инсон нутқи орқали овозли биометрия ва нутқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

буйруклари орқали турли техник агрегатларни бошқаришнинг математик алгоритмлари ва дастурий мажмусини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19.февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 26 августдаги ПҚ-5234-сон «Сунъий интеллект технологияларини кўллаш бўйича маҳсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари хамда мазкур фаoliyatiga тегиши мөъёрий-хуқукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нутк сигналларига рақамли ишлов бериш ва уларни автоматик таниб олиш усуулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари хамда уларнинг амалий кўлланилиши бўйича бир катор олимлар тадқиқотлар олиб борганлар, LeCun Y, Bengio Y, Abdel-Hamid O, Graz'ina Korvel, Patel I, И.С. Кипяткова, Н.М. Марковников, А.А. Карапов, М.Н. Гусев, А.Л. Ронжин, О.Мамырбаев, С.Рустамов ва бошка хорижий олимлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда сигналларга ишлов бериш ва нуткини таниб олишнинг назарий асосларини ривожлантиришга М.М.Камилов, М.М.Арипов, Ш.Х.Фозилов, Н.А.Игнатьев, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, Ў.Р.Хамдамов, Н.С.Маматов, Э.Ш.Назирова ва бошқалар ўзларининг катта хиссаларини кўшганлар.

Нутк сигналларига ишлов бериш мураккаб алгоритмик боскичлардан ташкил топганлиги сабабли, юкори ҳисоблаш ресурсларини талаб этади. Турли мухитларда нутк буйрукларини таниб олишни амалга ошириш, ишончли, ихчам ва юкори самарадорликга эга бўлган аппарат-дастурний таъминотини лойиҳалаштириш заруратини беради. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли мухит ва шароитларда нутк буйрукларини таниб олиш аппарат-дастурний воситалари ва алгоритмлари етарлича тадқиқ этилмаган. Юкорида айтиб ўтилганлар ўзбек тили нуткини таниб олишга хам таалуклидир.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадқиқоти Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг

БЕОА-5-005 – «Инсон нуткини таниш тизимлари қурилмаларининг таҳлили ва нуткий сигналларни қайта ишловчи аппарат-дастурий воситалар яратиш» (2016-2018), ЁБВ-Атех-2018-134 – «Нуткий сигналларни таниш алгоритмларининг рақамли сигнал процессорларида таҳлили ва дастурий таъминотини яратиш» (2017-2019), Бирлашган миллатлар ташкилоти тараккиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирили кўмагида №32/20 «Разработка мобильного приложения автоматического распознавания Узбекской речи для слабослышащих людей» (2020-2021) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили нутқ сигналларини танишнинг тезкор алгоритмлари, нутқ буйруклари орқали овозли бошқарув интерфейсини ишлаб чикиш ва аппарат-дастурий платформада амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқ буйруклари орқали овозли бошқарув амалий дастурий интерфейслари таҳлил қилиш ва ўрганиш;

кирувчи нутқ сигналларини иш фаолияти шароитларини хисобга олган ҳолда турли ҳалакит ва шовқинлардан тозалаш алгоритмини ишлаб чикиш;

нутқ сигналларини реал вакт режимида сиқиш алгоритмини ишлаб чикиш;

нутқ орқали овозли бошқарув тизимлари учун чекланган нутқ буйрукларини таниш алгоритмини ишлаб чикиш;

реал вакт режимида нутқ буйрукларини таниб олиш аппарат-дастурий платформаларини ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида турли мухитлarda ёзиб олинган нутқ сигналлари ва улардан ҳосил қилинган спектограмма ва белгили хусусиятлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида нутқ буйруклари орқали ускуналарни овозли бошқарув аппарат-дастурий платформалари, нутқни таниб олиш усувлари ва алгоритмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усувлари тадқиқот жараённада сигналларга рақамли ишлов бериш, сонли усувлар, спектрал усувлар, мэл-кэпстрал усувлар ва қарор кабул қилишнинг усул ва алгоритмлари ташкил қиласди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйдагилардан иборат:

турли мухит ва иш фаолияти шароитини хисобга олган ҳолда нутқ буйрукларини таниб олиш ва нутқ сигналларини шовқинлардан тозалашнинг аддитив фильтрлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

нутқ сигналларидан аҳборот белгили хусусиятларини Сингуляр ёйиш орқали соддалаштириш асосида ишлов берувчи алгоритми яратилган;

векторли квантлаш ва яширин Марков модели буйрукларини алгоритмлари ишлаб чиқилган;

реал вакт режимида нутқ буйрукларини таниб олиш алгоритмлари асосида аппарат-дастурий платформанинг архитектураси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

турли мухитда нутқ бўйрукларига овозли орқали сурдо матн таниб олиш ва сухандонни идентификациялаш, нутқ бўйруқ сўзларини таниб олиш ва матнга ўгириш алгоритмлари ва дастури ишлаб чиқилган;

нутқ бўйруклари орқали овозли бошқарув аппарат-дастурий платформаси функционал тузилмаси лойихаланган;

кулай фойдаланувчи интерфейси ва реал вақт режимида ишлайдиган аппарат-дастурий платформа ва дастурий мажмуаси яратилган;

ўзбек тили нутқ бўйруқ сўзларини таниш ва улар орқали овозли бошқарув дастурлари саноат бошқарув тизимларида ва эшитиш нуқсонига эга болалар маҳсус мактаб-интернатларида тадбик килинган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги диссертациядаги таклиф килинган алгоритм ва усулларнинг тестлаш натижалари, алгоритм ва усулларнинг апробацияси босма нашрлар ва халқаро илмий конференциялар мърузаларида, тажрибавий тадқиқотлар ва яратилган аппарат-дастурий платформани амалиётга тадбик этишлиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Мураккаб нутқ бўйруқ сўзларини таниб олиш учун таклиф этилаётган нутқ сигналларини таҳлил килиш ва таниб олишнинг интеллектуал алгоритмларини аппарат-дастурий платформаларида амалга оширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти шундан иборатки, яратилган алгоритмлар турли мухитларда ва ишлаб чиқариш корхоналарида нутқ орқали овозли бошқарув дастурий мажмуаси, сухандонни идентификациялаш ва эшитиш нуқсонига эга инсонлар учун Ўзбек тили нутқ сўзларини таниб олиш дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган адаптив фильтлаш, нутқ бўйруқ сўзларини таниб олиш алгоритмлари ва яратилган аппарат-дастурий платформа асосида:

турли мухитларда нутқ сигналларини адаптив фильтлаш, сўзловчи сухандонни идентификациялаш ва нутқ бўйруклари орқали овозли бошқарув аппарат-дастурий платформаси «Ўзбекистон темир йуллари» АЖнинг ишлаб чиқариш корхоналарида мураккаб дастгохларни бошқаришда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 9 ноябрдаги 33-8/7908-сон маълумотномаси). Натижада нутқ бўйруклари орқали мураккаб дастгохларни бошқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берган;

эшитиш нуқсонига эга инсонлар учун ўзбек тили нутқ сўзларини матн, сурдо матн ва имо-ишорага ўгиришда қулай интерфейсга эга бўлган дастурий мажмуя 106-сон заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 9 ноябрдаги 33-8/7908-сон маълумотномаси). Натижада мактаб тарбияланувчиларини

ўқитишида, янги Ўзбек тили сўзларини имо-ишора оркали ўрганиш вақти 15-20%га кисқаришига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 10 та Республикада, мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон килингандиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 та чет эл ва 3 та Республика журнallарида нашр этилган, шунингдек 4 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш кисми, тўртта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакиллантирилган, тадқиқот обьекти ва предмети аникланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари таракқиётининг устувор йўналишига юслиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳакконийлиги асослаб берилган, олинган натижалар назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбик этилиши рўйхати, ишни синаш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Нутқ сигналларига ишлов бериш алгоритмлари ва аппарат-дастурий воситалари тахлили» деб номланган биринчи бобида нутқ сигналларига ракамли ишлов беришнинг асосий амаллари, ахборот белгили хусусиятларини ажратиш, замонавий аппарат-дастурий воситалар ва платформалар тахлили, нутқ оркали овозли бошқарув дастурий интерфейслари кўриб ўтилган.

Нутқ сигнали – бу мураккаб динамик жараённинг модели бўлиб, уни тахлил килишда сигнал ва унинг бўлак кисмини тавсифловчи бир нечта кўрсатилич(хусусиятлар)ларига таянилади. Нутқ сигналларининг ушбу асосий хусусиятлари кўйидагилар: формант частотаси, асосий тон частотаси, спектрал ташкил этувчилардир.

Тахлил килиш учун нутқ сигналининг энг содда кўриниши бу ажратиб олинган сўзлардир. Одатда нутқ сўзлари ва уларнинг луғатлари чекланган бўлади. Замонавий мураккаб нутқни таниш тизимларида асосан ўзак сўзларни ажратиб таниб олиш амалга оширилади. Хозирги кунда нутқ сўзларини таниш кўйидаги соҳаларда кенг кўлланилмоқда: саноат дастгоҳларини ва транспорт воситаларини бошқаришда, «акъли уй» тизимларида, «ашёлар интернети»

технологияларини амалга оширишда, имконияти чекланган инсонлар учун интерфейс, хизмат кўрсатиш соҳалари шулар жумласидандир.

Нутқ орқали бошқарув тизимини турли соҳада кўлланганда, амалга оширилаётган мухитдан қўшиладиган шовқин ва ҳалақитлар частоталари турлича бўлади. Нутқ буйрукларини таниб олишда ушбу шовқин ва ўзбек тили товушларининг ҳусусиятларини инобатга олишни талаб этади

Кундан кунга реал вактда нуткни таниб олиш ва таҳлил қилиш тизимларга талаб ортиб бормокда. Бундай реал вакт тизимлари орқали катта маълумотлар базаси талаблари, нутқ сигналларининг шовқинга таъсиричанилиги ва юқори ҳисоблаш ресурслари талаблари бўлганилиги учун ягона аппарат-дастурӣ воситада амалга ошириш қийин

Нутқ сигналлари мураккаб сигнал бўлганилиги туфайли ушбу сигналларга ишлов бериш, хотирада саклаш, алоқа каналлари орқали узатиш муаммолари мавжуд. Ушбу муаммоларни ечиш учун олимлар томонидан нутқ сигналларига ишлов беришда сигнални сикиш, сигналдан ҳусусиятларни ажаратиб олиш, сигнал спектрал кийматлари билан ишлаш каби ёндашувлар таклиф этилган. Буларнинг барчаси сигналга ишлов бериш жараёнини такомиллаштиришга каратилган.

Мураккаб нуткни таниш алгоритмларини реал вакт режимида амалга ошириш учун маҳсус аппарат-дастурӣ воситалар талаб қилинади. Нутқ буйрукларини таниш алгоритмларининг мураккаблик даражасига қараб, бир нечта ўрнатилган процессорлардан ягона аппарат-дастурӣ платформа сифатида фойдаланишина тақозо этади.

Аппарат-дастурӣ платформа(АДП) – бу белгилаган вазифани амалга оширишга мўлжалланган техник курилма таъминоти ва дастурӣ таъминотлар мажмуудир. АДП модули принципда курилган бўлиб, маҳсус процессор жойлашган асосий плата блоки, хотира блоки, киритиш-чиқариш блоки, ташки интерфейслар блокларидан ташкил топган.

Диссертациянинг «Нутқ сигналларига параметрик ишлов бериш алгоритмларини амалга ошириш» деб номланган иккинчи бобида нутқ сигналларига ишлов бериш босқичлари, турли мухитларда нутқ сигналларини адаптив фильтраш алгоритмини ишлаб чиқиши, нутқ сигналлари спектрал таҳлили алгоритмларини кўллашнинг аҳамияти ёритилган. Ҳисоблаш тизимига тушадиган юкламаларни камайтириш учун Сингуляр ёйиш орқали сигнал ўлчамларини кисқартириш ва процессорнинг ишлаш самарадорлигини ошириш, сухандонга боғлик тизимлар учун сухандонни идентификациялаш алгоритми, яширин Марков модели ёрдамида нутқ сўзларини таниб олишни амалга оширишга бағишлиланган.

Нуткни таниб олиш муаммоси - бу сигналларни қайта ишлаш соҳасида доимо мухим мавзу бўлиб келган тимсолларни таниб олишдир. Тимсолларни таниб олишдан мақсад объектни сонли синфларга ажратишидир. Ҳар бир синф ёки намуна маълум бир сўзни ифодалайди. Барча нуткни танища кўлланиладиган амаллар ва алгоритмлар маълум бир мураккаб сонли усуслар ва шунга мос ишлов бериш алгоритмларини талаб этади. Аксарият ҳолларда

нүткү сүзларини таниб олишда сигнални Хеннинг ойналаридан ўтқазиш, тезкор Фурье ўзгартеришини қўллаш ва мел-кэпстрал кийматларини олишдан иборат.

Таклиф этилаётган реал вакт режимида сухандонга боғлик ёки боғлик бўлмаган холда нутк буйрукларини таниб олиш алгоритмлари кетма-кетилги 1-расмда келитирилган.



1-расм. Таклиф этилаётган нутк сигналларидан белгили хусусиятларни ажратиб олиш ва таниш алгоритмлари босқичлари

Нутк буйрукларини таниб олиш қўйидаги алгоритмик босқичларда амалга оширилади.

1. *Киривчи нутк кўрининишидаги аналог сигнал, 16 кГц частотали рақамли сигнал кўринишига ўтирилади.*

2. *Нутк буйруқлари ташки шовқин ва ҳалакитлардан тозалаши.* Реал вакт шароитида ва турли муҳитларда шовқин ва ҳалакитларнинг ҳам частота ва хусусиятлари турлича бўлади. Шуларни ҳисобга олиб нутк буйрукларини танишда адаптив фильтрлардан фойдаланиш маъсаддага мувофиқ. Чунки ҳар бир муҳитнинг ўзига хос шовқин ва ҳалакитлари мавжуд булиб уларинг хусусиятлари ҳам турилча бўлади.

Таклиф этилаётган алгоритм оркали фильтрлашни амалга оширишда, аввал мавжуд бошқарув муҳитида микрофондан келадиган шовқинли

сигнални 5 секундлик вакт оралғыда ёзіб олинади ва ушбу сигналга мос равишида адаптив фільтр коэффициентлари NLMS (normalized least mean squares) алгоритми асосида шақллантирилади. Ушбу созлаш ва мослашув жараёнидан сүнг микрофон орқали келаётган нутқ буйруклари ушбу фільтрлаш коэффициентлари орқали фільтрлаш боскичидан ўтади.

3. Нутқ сигналаридан жимлик соҳалари ўчириш. Жимлик соҳаларини ўчириб ташлашдан аввал нутқ сигналы кийматлари $M=256$ га тенг бўлак сегментларга ажратилиб, Q_i сегментга ўзлаштирилади. Ушбу сегментлардаги жимлик холатини аниклаш учун ҳар бир сегментнинг энергияси хисобланади:

$$E_n = \frac{1}{N} \sum_{i=0}^N Q_i^2$$

Бу ерда E - нуткнинг энергияси, Q_i - сигнал кийматлари.

4. Фреймларга ажратиш. Нутқ сигналаридан жимлик холатлари йўқотилгандан сүнг нутқ сигналини қайта сегментлаш натижасида фреймларга ажратиш зарур. Олиб борилган тадқикот натижаларига кўра, $M=256$ бўлган фреймларга ишлов бериш максимал тезкорликини таъминлайди.

5. Хеннинг ойнасидан ўтқазиш. Сигналларга рақамли ишлов беришда қуидаги ойнали ўзгартиришлар кўлланилади: Бартлетт, Блэкман, Чебышев, Хеннинг, Кайзер ва Хэмминглар шулар жумалсидандир. Шулардан нутқ сигналларига ишлов беришда Хеннинг ва Хеннинг ойналари кенг кўлланилади. Бизнинг Хеннинг ойнасини танлашдан мақсад биз фойдаланадиган киска вактли Фурье ўзгартиришида(STFT-short time Fourier transform) ойнадан ўтқазища сигналнинг боши ва охири тўлиқ ноль кийматига тенг бўлиши керак:

$$\omega(n) = 0.5 \left(1 - \cos\left(\frac{2\pi n}{N-1}\right) \right)$$

Бунда, N – ойналар кенглиги.

6. Киска вактли Фурье алмаштириш(STFT). Нутқ сигналаридан белгили хусусиятларни тўғри ажратиб олиш, нутқ буйрукларини ва сухандонни таниш ишончлигига таъсир килади.

Инсон кулоклари эшитиш тизими(улитка) механик вакт частотаси анализатори бўлгани учун, у ҳам доимо нутқ сигналининг бироз вакт ўзгарган спектрларининг киска кетма-кетлигини қабул килади, бу тахминан нутқ сигналларига STFTни кўллагандга ҳам содир булади:

$$STFT_x = STFT\{x[n]\} = X[k, n] = \sum_{m=-\infty}^{\infty} x[m]w[m-n]e^{-jkm}$$

бу ерда, j мавхум кисми ва тўплам $\left\{ e^{-\frac{2\pi j}{N}n} \right\}$ эса ортономал базисдир.

Ҳосил килинган спектограмма кийматлари турли хил интеллектуал тизимларда киравчи параметр сифатида қабул килинади.

7. Ўлчамларни қисқартиши. Сигнал ўлчамларини қисқартириш орқали хисоблаш юкламасини камайтириш ва процессор самардорлигини ошириш

учун сингуляр ёйиш усулидан фойдаланилди. Сингуляр ёйиш SVD (singular value decomposition) – бу хакикий матрицани каноник шаклга келтириш мақсадида декомпозициядир. SVD матрикалар билан ишлашда жуда хам қулай усулдир, бундан ташқари матрикалар устида амаллар процессор самараорделигини хам оширади.

SVDнинг моҳияти жуда хам оддий бўлиб, ҳар қандай матрица(хакикий ёки мураккаб) учта матрицанинг ҳосиласи сифатида намоён этилади ва у қўйидаги формула орқали инфодаланади:

$$X = U_r D V_r^T = \sum_{i=1}^r \sigma_i u_i v_i^T$$

бу ерда,

$$U_r := [u_1, \dots, u_r] \in \mathbb{R}^{m \times r}, \quad V_r := [v_1, \dots, v_r] \in \mathbb{R}^{l \times r}$$

Сигнал ўлчамлари сонини камайтириш муаммосини очишида айнан шу D матрицадан фойдаланилади. Шунинг учун сигнал ўлчамларини кисқартиришда, SVD алгоритми хисобга олинайтган компонентлар берадиган дисперсиялари йиғиндисига таянилади. Тажриба натижаларига кўра дисперсия компонентлари сони қанча ююри булса ўлчов қийматлари кисқартирилган сигнал шунча ҳакикийсига яқинлашади.


8. *Формант частоталарини аниқлаш.* Сухандонга боғлик бўлган нутқ буйрукларини танишда формант частоталарини қўшимча параметр сифатида олиш яхши ахамият касб этади. Бу эса ўз навбатида таниб олиш аниқлик фойизини ошишига олиб келади.

Нутқ товушларини талаффуз килишда оҳанг пульси ёки шовкин сигналлари овоз йўли орқали ўтади. Натижада, бир хил тонал ёки шовкин спектри бир катор максимал ва минимал спектрга айланади. Спектрнинг максимумлари *форманта* деб аталади Нутқни талаффуз қилишда унинг спектри доимо ўзгариб туради ва формант ўтишлар ҳосил бўлади. Таклиф этилаётган асосий формант частоталарини аниқлаш алгоритми блок-схемаси қўйидагича 2-расмда келтирилган.


Аксарият овозли бошқарув ва маълум бир хавфсизлик тизимларида инсонни нутки орқали шахсини идентификациялашда айнан аниқ буйрук сўзи ёки айнан аниқ бир калит сўзлар ишлатилади.

9. *MFCC(Mel frequency cepstral coefficients) қийматларини олиш.* MFCC энг кенг тарқалган усуллардан бўлиб, инсон эшлиши тизимининг чизикли бўлмаган таъсирини аппроксимациялайди. Бу эса ўз навбатида ушбу коэффициентлар инсон эшлиши тизимига жуда хам яқинлигини билдиради.

10. *Белгиларнинг мувофиқлигини текшириш ва таниб олиш.* Ягона белгилар векторида ажратиб олинган нутқ буйруклари дастлаб мувофиқлиги текширилади ва мослиги аниқланса у таниб олинади.



2-расм. Асосий формант частоталарини аниқлашнинг тақомиллаштирилган алгоритми



З-расм. Сўзловчини шахсини идентификациялаш тизими

Ушбу босқичида нутқ буйрукларини турли синфлаш ва кластерлаш масалаларини ечиш орқали амалга оширилади. Бизнинг холатда Яширин Марков моделига асосланган моделдан фойдаланилди.

Нутқ орқали сўзловчини шахсини аниглаш тизимининг структурасини амалга ошириш босқичлари кўйида келтириб ўтилган(3-расм).

Сўзловчи ёки сухандонни гапираётган нутки орқали шахсини идентификация килиш икки режимда, яъни ўқитиб олиш ва таниб олиш режимларида амалга оширилади.

Ўқитиб олиш жараёнида кўйида алгоритмик босқичлар амалга оширилади:

1-қадам. Микрофондан кирувчи аналог сигнал рақамли кўринишга ўгирилади.

2-қадам. Дастрлабки ишлов бериш. Бунда кирувчи сигнал фильтранади, сегментланади, фреймларга ажратилиб ойналардан ўтказилади.

3-қадам. Ахборот белгили хусусиятлари ажратилаб олинади.

4-қадам. Сўзловчига идентификацион рақам (*id*) бириттирилади ва ушбу сўзловчининг овоз хусусиятлари хотирага саклаб кўйилади.

Таниб олиш жараёнида кўйидаги алгоритмик босқичлар амалга оширилади:

1-қадам. Микрофондан ихиёрий гапирган сўзловчи ёки сухандоннинг нутки кирувчи аналог сигнал кўринишидан рақамли кўринишга ўгирилади.

2-қадам. Дастрлабки ишлов бериш амаллари амалга оширилади.

3-қадам. Ахборот белгили хусусиятлари ажратилаб олинади.

4-қадам. Олинган хусусиятлар хотирасида сакланган сўзловчи сухандонларнинг хусусиятлари билан векторли квантлаш (ВК) интеллектуал алгоритмлардан фойдаланган холда таққосланади.


Тадқиқот натижалари шуни курсатдики сухандонга боғлик бўлган нутқ буйрук сўзларини реал вакт режимида таниб олишни аппарат-дастурий платформада амалга оширишда ВК алгоритми нисбатан ихчам ва амалга ошириш қулиялиги билан бошқа алгоритмларга нисбатан(яширин Марков модели, сунъий нейрон тармоклари, DTW-dynamic time warping) яхши натижа берди.

5-қадам. Агар сўзловчининг нуткидан олинган хусусиятлар хотирадаги сакланган хусусиятлар билан тўғри келса натижада ушбу сўзловчининг шахси аниклангани ва шунга мос хабар беради

Диссертациянинг «Нутқ сигналига ишлов бериш алгоритмлари аппарат-дастурий платформасини яратиш» деб номланган учинчи бобида нутқ буйруклари орқали бошқарув тизимини амалга ошириш учун аппарат таъминотига кўйилган талаблар келтирилган. Турли дастурлаш мухитларида ва аппарат-дастурий таъминотларида нутқ сигналларини таниб олишни амалга оширишни осонлаштириш учун аппарат таъминоти архитектурасига мос реал вакт операцион тизими амалга оширилган. Илмий ишда нутқ буйрукларга ишлов беришнинг аппарат-дастурий платформаси архитектураси таклиф этилган.

Аппарат-дастурий платформаларнинг турфа хиллиги, архитектура хусусиятларини ва уларнинг хисоблаш ресурслари чекланганлигини хисобга олган ҳолда, ўтказилган тажрибаларга асосланиб нутқ сигналларига ишлов беришнинг тўлиқ босқичларини алоҳида АДПда амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун турли АДПда нутқ сигналларига ишлов беришнинг кўйидагича вариантилари таклиф этилади.


1-вариант. Микроконтроллерга(MK) асосланган нутқни таниш тизимларида(4-расм.).



4-расм. МК тизимларида сигналларга ишлов бериш босқичлари

Тахлиллар шуни кўрсатдик, *Микроконтроллерлар* нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш жараёнида жуда ҳам яхши натижалар кўрсатди. Сигналларни рақамлаштириш, фильтрлаш, силликлаш, жимлик соҳаларини ажратиш алгоритмларини кийинчиликсиз амалга ошира олади.


2-вариант. Максус сигнал процессорлари ва қайта дастурланувчи мантикий интеграл схемали(DSP, FPGA) нутқни таниш тизимларида(5-расм.).



5-расм. DSP, FPGA тизимларида сигналларга ишлов бериш босқичлари

Қайта дастурланувчи *DSP* ва *FPGA* қурилмаларининг архитектуралари даражасида сигналларга ракамли ишлов бериш алгоритмларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунинг учун бу АДПда хусусиятларни ажаритиш, фреймлаш, турли ўзгартириш, сикиш, ахборот белгиларни ажаратиш каби мураккаб амалларни осон амалга ошириш мумкин. Аммо, аналог кириши бўлмаганлиги учун албатта МКлар билан биргаликда ишлатилиади.


3-вариант. Максус мобиль ўрнатилган тизим процессорларига асосланган нутқни таниш тизимларида(6-расм.).



6-расм. Мобиль процессорларга асосланган тизимларда сигналларга ишлов бериш босқичлари

Мобиль процессорларга асосланган аппарат-дастурий платформалар кўп ядроли бўлиб, оқимларни бошқариш ва кўп вазифалик амалларини бажара олади. Бундан ташакари ушбу тизимларда ихтиёрий юкори дастурлаш тилларининг компиляторларини ўрнатиш орқали мураккаб нутқ сигналларига

ишлоў бериш алгоритмларини нисбатан осонрок амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Кўп ядроли процессор мавжудлиги ва ўрнатилган реал вақт операцион тизимлари амалга ошириш имконияти мавжудлиги ва хотира хажми нисбатан катталигини ҳисобга олган холда мураккаб нутқ сигналларига ишлов беришнинг тўлиқ циклини амалга ошириш имконияти мавжуд.





7-расм. Нутқ буйрукларини таниб олиш алгоритмларини АДПда амалга оширилиши

Натижада турли мураккаб нутқ сигналларига ишлов бериш алгоритмлари ва дастурларини ягона операцион тизим осида EM3288 аппарат-дастурний платформасида амалга оширилди. Ўтказилган таҳрибалар натижасига таяниб, нутқ буйрукларини таниб олишнинг мураккаб алгоритмлари таклиф этилаётган АДПда қуидагича бирлаштирилди(7-расм).

Диссертациянинг «Ўзбек тили нутқ буйрукларини таниш платформаси интерфейси ва дастурний мажмуаси» деб номланган тўртинчи бобида чекланган нутқ буйрукларини таниб олиш ва овозли бошқариш мажмуаси модулларининг таркибий қисмлари, ҳамда нутқ буйруклари орқали овозли бошқарув тизимларига мўлжаллангай интерфейс алгоритми ва дастурлари келтирилган. Нутқ сигналлари орқали овозли бошқарув дастурний мажмуаси нутқ буйрукларига дастлабки ишлов бериш модули, адаптив фільтрлаш модули, сухандонни аниклаш модули, нутқ буйрукларини таниб олиш модулидан ташкил топган(8-расм).

Дастурний модуллар қроссплатформали Python дастурлаш тилида амалга оширилган бўлиб, Linux ва Window оиласига мансуб операцион тизимларда амалга ошириш имкониятига эга.





8-расм. АДПда амалга оширилган дастурний мажмуанинг тузулиши

Нутк сигналларига ишлов бериш ва таниб олиш дастурний мажмуаси АДПда амалга ошириш учун Python дастурлаш тилида ёзилди. Бу ушбу дастурний воситани кросс-платформалик хусусиятини таъминлайди. Нуткни таниш тизимини ишга тушуришдан аввал дастурний мажмуа созланади. Бунда дастлаб 5 секунд вақт оралиғида нутк буйрукларини амалга оширилиши талаб этилган мухитдан шовқин ёзб олинади ва фильтрлаш коеффициентлари танланади. АДП микрофони орқали келаётган нутк сигнални ёзб олиш бошланади. Ёзб олинган нутк сигналлари яширин Марков модели асосида таниб олиш ишлари амалга оширилади. Таниб олинган сўзлар экранга текст кўринишида чиқарилади.

Тадқиқот иши вазифасига кўра чекли лўғат сўзларини таниш ва овозли бошқарув тизими амалга оширилди. Бунда куйидаги 30 сўз буйруклари танлаб олинди: “*talaba, malika, samalyot, lola, bola, ona, masala, mamlakat, olti, oltin, lochin, lobar, kitob, maktab, archa, chelak, gul, yulduz, sayyora, viloyat, tegirmon, dala, vagon, bekobod, angren, yangiyo'l, yunusobod, imid*”.

Ушбу тажриба натижасига асосан қиска вақтли Фурье ўзгартариши ўрнатилган тизим процессорларида яхши тезкорлик берди(1-жадвал). Шунга кўра дастлабки ишлов беришдаги классик FFT+MFCC алгоритми ва таклиф этилаётган алгоритм тезкорлиги тажриба орқали тестланди.

1-жадвал.

Дастлабки ишлов беришдаги тезкорлик

| Ишлов бериш усули | Тезкорлик (мсек.) |
|-------------------|-------------------|
| FFT+MFCC | 60 |
| STFT+SVD | 15 |

Таниб олишда синфлаш алгоритмлари таҳлили(2-жадвал). Нутқ сигналларида ажратиб олинган ахборот белгили хусусиятлари орқали таниб олишда, сунъий нейрон тармоқлари, яширин Марков модели (ЯММ) ва ВК(векторли квантлаш) алгоритмлари киёсий таҳлил қилинди.

2-жадвал.

Сухандонга боғлик буйрукларни таниш аниқлиги

| Алгоритм | Нутқни таниш аниқлиги (%) | | Бажарилиш вақти (сек.) |
|----------|---------------------------|------------------------|------------------------|
| | Матнга боғлик | Матнга боғлик бўлмаган | |
| ВК | 95 | 89 | 3 |
| ЯММ | 98 | 93 | 8 |

Унга кўра сўзловчига қатъий боғлик тизимларда қатъий матнни калит сўз сифатида ифодалаганда ВК ва ЯММ алгоритмлари мос равишда 96% ва 98% аниқликни кўрсатди.

3-жадвал.

Таклиф этилган алгоритмларни амалга ошириш

| Яширин қатламлар сони | Формант частоталари сони | MFCC кийматлари сони | FFT + MFCC | | STFT + SVD + MFCC | |
|-----------------------|--------------------------|----------------------|------------|----------------------|-------------------|----------------------|
| | | | Натижа (%) | Тестлаш вақти (сек.) | Натижа (%) | Тестлаш вақти (сек.) |
| 6 | 4 | 12 | 91 | 12 | 99 | 18 |
| 8 | | | 94 | 15 | 98 | 20 |
| 10 | | | 91 | 20 | 87 | 25 |

4-жадвал.

STFT + SVD + Spectrogram алгоритмларини амалга ошириш

| Яширин қатламлар сони | Формант частоталари сони | Спектограмма кийматлари | Натижа (%) | Тестлаш вақт (сек.) |
|-----------------------|--------------------------|-------------------------|------------|---------------------|
| 6 | 4 | 128x33 | 93 | 89 |
| 8 | | | 87 | 128 |
| 10 | | | 84 | 140 |

Ушбу 3-жадвал ва 4-жадвалдаги тажриба натижаларидан хулоса килиб, 30-50та гача бўлган чекланган нутқ буйрукларида НММ моделининг яширин қатламлар сони 6-8ни ташкил этиб, таклиф этилаётган алгоритмлар кетма-кетлигига мос равишда 98-99% таниб олиш аниқлигини кўрсатди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, 8-расмда келтирилган дастурий мажмуа умумий структурасида саниб ўтилган алгоритмлар, аниқлилик ва ишлов бериш тезкорлиги бўйича энг самарали экан.

ХУЛОСА

Илмий тадқикот ишининг бажарилиши мобайнида қуидаги илмий натижаларга эришилди.

1. Нутқ буйрукларини таниб олишда, шовкин, ҳалақитларга бардошли ва турли ишчи мухитга мослашувчи NLMS адаптив фильтри алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу фильтрлаш алгоритмларини кўллаш нутқ буйрукларининг аниклиниги ошириди.

2. Нутқ сигналларига дастлабки ишлов бериш боскичида фреймлаш, жимлик соҳаларини ажратиб олиш, ойналардан ўтказиш, формант частоталарини аниклашлар асосида сигнални параметрик кўринишга олиб келиш ва ягона ахборот хусусиятларини ҳосил қилиш алгоритмларининг умумий кетма-кетлиги яратилди.

3. Реал вакт режимида сигнал ўлчамларини кисқартириш мақсадида SVD алгоритмидан фойдаланиш таклиф этилди. Бу нутқ сигнали ахборот хусусиятларини сикиш ҳисобига процессорга тушадиган юкламани 50%га камайтириди.

4. Нутқ буйрукларини таниб олишда интеллектуал ишлов берининг Векторли квантлаш ва яширин Марков моделига асосланган алгоритмлар яратилди. Векторли квантлаш сухандонни идентификациялашда тезкор деб топилди ва 95% аникликни кўрсатди. Яширин Марков моделига асосланган алгоритм кам сонли кирувчи маълумот орқали ишлай олиш ва алгоритмик жихатдан соддароқ бўлганлиги сабабли, аппарат-дастурй платформада нутқ буйрукларини танишда нисбатан яхширок самара берди.

5. Имконияти чекланган инсонлар учун овозли бошқарув қулай дастурй интерфейсига эга дастурй мажмуа яратилди.

6. Реал вакт тизимларига кўйилган талаблар асосида нутқ буйрукларини таниб олиш аппарат-дастурй платформаси архитектураси ва функционал элементлари танлаб олинди.

7. Реал вакт режимида ишлайдиган нутқ буйрукларини таниб олишнинг кўп ядроли мобиль процессорига асосланган аппарат-дастурй платформаси яратилди.

8. Ишлаб чиқилган аппарат-дастурй платформада 30та ўзбек тили нутқ буйрукларини таниб олиш турли ишчи мухитларда амалга оширилди. Аппарат-дастурй таъминотида хотира хажмини ошириш билан нутқ буйрук сўзлари сонини ошириш имконияти мавжуд. Тизимнинг мослашувчанлиги ва мобиллиги аппарат-дастурй платформанинг Андроид ва Линукс операцион тизимларида ишлаш қобилияти билан таъминланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ШУКУРОВ КАМОЛИДДИН ЭЛЬБОБО УГЛИ

**РАЗРАБОТКА АЛГОРИТМОВ И АППАРАТНО-ПРОГРАММНОЙ
ПЛАТФОРМЫ РАСПОЗНАВАНИЯ РЕЧЕВЫХ КОМАНД**

**05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/T902

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

**Мусаев Мухаммаджон Махмудович
доктор технических наук, профессор**

Официальные оппоненты:

**Назирова Элмира Шодмоновна
доктор технических наук, доцент**

**Азазов Юсуф Шодиевич
PhD, доцент**

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный транспортный
университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №____). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

**Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(протокол рассылки №____ от «___» _____ 2021 г.).**

P.X.Хамдамов

**Председатель научного совета по
Присуждению учёных степеней,
достор технических наук, профессор**

Ф.М.Нуралiev

**Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
достор технических наук, доцент**

М.А.Рахматуллаев

**Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, достор технических наук,
профессор**

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире роль компьютеров в организации взаимодействия человека с оборудованием очень важна. Самым эффективным средством организации взаимодействия человека и техники является речь. Сегодня доступны различные методы и инструменты для реализации человеко-машинного интерфейса, и одним из самых эффективных инструментов является речь. Управление голосовыми командами широко используется в различных областях: голосовое управление устройствами и оборудованием, голосовой помощник в колл-центрах, в системах «умный дом» и «интернете вещей» (IoT), в голосовой идентификации, интерфейсах голосового управления для людей с ограниченными возможностями и в других областях. В этом случае для обработки речевых сигналов используются сложные алгоритмы распознавания. Научные исследования в этой области ведутся в ведущих странах мира, таких как США, Китай, Япония, Южная Корея, Германия, Франция, Италия и Российской Федерации.

В мире для реализации таких человеко-машинных интерфейсов требуются специальные программно-аппаратные платформы. Но с усложнением алгоритмов обработки речи и увеличением количества речевых команд аппаратно-программная платформа требует резкого увеличения вычислительных ресурсов и объема памяти. Кроме того, большинство человеко-машинных интерфейсов работают в режиме реального времени. При распознавании речевых команд в различных средах на речевые сигналы влияют внешние помехи, а режим реального времени, в свою очередь требует скорости, компактности и простоты использования. Указанные требования к вычислительным ресурсам и скорости обработки могут быть обеспечены применением специальных алгоритмов и аппаратно-программных решений при обработке речевых сигналов.

В Республике особое внимание уделяется развитию информационных технологий и искусственного интеллекта, проводятся научные исследования по созданию систем обработки речевых сигналов, автоматического распознавания речи на узбекском языке, биометрии голоса, систем управления голосом. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 годах определены такие задачи как «... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления². Реализация этих вопросов важна при разработке математических алгоритмов и программного обеспечения для управления различными техническими устройствами с помощью речевых команд и голосовой биометрии.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2021 года №ПП-4996 «О мерах по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2021 года №ПП-4996 «О мерах по внедрению Специального режима применения технологий искусственного интеллекта», а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики IV: «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Ряд ученых провели исследования по разработке и совершенствованию методов цифровой обработки речевых сигналов и их автоматического распознавания, а также по их практическому применению. В этом принимали активное участие известные зарубежные ученые LeCun Y, Bengio Y, Abdel-Hamid O, Graz'ina Korvel, Patel I, И.С. Кипяткова, Н.М. Марковников, А.А. Карпов, М.Н. Гусев, А.Л. Ронжин, О.Мамырбаев, С.Рустамов и другие.

Среди узбекских ученых значительный вклад в разработку алгоритмов, теоретических основ обработки сигналов и распознавания речи внесли М.М.Камилов, М.М.Арипов, Ш.Х.Фозилов, Н.А.Игнатьев, М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, Ў.Р.Хамдамов, Н.С.Маматов, Э.Ш.Назирова и другие ученые.

